Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 184 (5775)
13 АВГУСТ 1985 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ — КПСС XXVII СЪЕЗДИГА

БУНЁДКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Фрунзе районининг энг эски кўчаларидан бири — Иваново тўқимачилари номидаги кўча сўнгги икки йил мобайнида қиёфасини кескин ўзгартирди. Қачонлардир шу ерда, тўқимачилик комбинатининг ёнгинасида корхонанинг дастлабки ишчилари учун асосан бир қаватли ғиштин ва ёғоч уйлар қурилган эди.

«Главташкентстрой» 1-уйсозлик комбинати қурувчиларининг куч-ғайрати туфайли ҳозир шу кўча замонавий, обод микрорайонга айланмоқда. Бу ерда асосан беш қаватли, кўп сонли ойнаванд лоджиялари ва ёрдамчи хоналари бўлган кўп квартирали уйлар бунёд этилмоқда. Комплекс равишда болалар спорт ва ўйин майдончалари, савдо ва маиший хизмат объектлари ҳам қуриляпти.

Уйсозлар ўз касб байрамларини зарбдор меҳнат билан кўтиб олдилар: 2-монтаж бошқармасининг ишчилари 100 квартирали беш қаватли бинони фойдаланишга топшириш учун тахт қилиб қўйишди. Яна бир уй бунёд этиляпти. Ана шу уй битганидан сўнг тўқимачилик комбинати ишчи ва хизматчиларининг яна 90 оиласи уй тўйларини ўтказади. Бошқарма коллективи мазкур объектда жами 400 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишни лозим.

КПСС XXVII съезди шарафига социалистик мусобақада Н. Злобин ва Д. Зазулин усули бўйича ишлаётган М. Шомансуров ва Е. Абдулин бошлиқ бригадалар пешқадамлик қилаяпти.

Ғ. ЮСУПОВ.

Тошкент асбобсозлик заводида сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилаяпти. Тажрибали мутахассис С. Тайканская раҳбарлик қилаётган 12-цехдаги участка коллективи томонидан тайёрланаётган металларга ишлов берувчи асбобларнинг 90 проценти давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда. Бу борада ишбилармон мастер қўшаётган ҳисса каттадир. Тажрибали мутахассис ўз ишини сидқидилдан бажариб, берилган топшириқларни муддатидан илгари ўринлашга алоҳида эътибор беради. Ҳозирги кунда КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик жанговар вахтасида туриб ишлаётган бу илғор участканинг ҳар бир ишчиси кунлик смена нормасини 120—130 процент қилиб бажаришга муваффақ бўлаётир.

СУРАТДА: С. Тайканская.

ХАЛҚНИ МАЪНАВИЙ ВА ЖИСМОНИЙ КАМОЛ ТОПТИРИШГА — ПАРТИЯВИЙ ҒАМХЎРЛИК

12 августда Тошкентда шаҳар партия-хўжалик активи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шаҳар партия комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, ревизия комиссиясининг аъзолари, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг раҳбар ходимлари, хўжалик раҳбарлари, маданият ва спорт муассасаларининг раҳбарлари, матбуот, радио ва телевидение вакиллари қатнашдилар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров «КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан шаҳар партия, совет, жамоат ташкилотларининг вазифалари ҳақида» доклад қилди.

Докладни муҳокама этишда Акмал Икромов район партия комитетининг биринчи секретари Х. Қ. Қамолов, Сергели район Совети ижроия комитетининг раиси Х. Ё. Охунжонов, «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» партия комитетининг секретари Х. Н. Шагиев, Собир Раҳимов район партия комитетининг секретари Н. И. Иброҳимова, енгил атлетика бўйича республика олий маҳорат мактабининг тренери А. Н. Нормуродов, Сергели районидаги 57-турар жойлардан фойдаланиш участкасининг педагог-ташкилотчиси Д. Аликберова, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электрчиси П. А. Долгих қатнашдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан резолюция қабул қилинди.

Актив йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири С. Қ. Қурбонов қатнашди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «КЛУБ МУАССАСАЛАРИ ВА СПОРТ ИНШООТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЯХШИЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ШАҲАР ПАРТИЯ, СОВЕТ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ҲАҚИДА

Коммунистик қурилишнинг ўсиб бораётган миқёслари, халқ хўжалигини интенсивлаш йўлига ўтказиш меҳнаткашларнинг, барча совет кишиларининг сиёсий, меҳнат ва социал активлигини ошириш борасида янги вазифалар қўймоқда, — деб таъкидлади ўз докладида Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров.

Бу ишларни такомиллаштириш бўйича кенгаймайтирилган ҳаракат программаси КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ифода этиб берилди. Бу қарорнинг талабларини бажариш эса совет кишиларининг соғлиғини мустаҳкамлаш ва маданиятини оширишга, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришга ёрдам беради.

Шаҳар партия ташкилоти партия XXVI съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми ва КПСС Марказий Комитетининг ундан кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини изчил амалга ошира бориб, меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, ҳар бир киши ҳаётида социалистик турмуш тарзининг норма ва принципларини қарор топтириш, уни меҳнатсеварлик, коллективизм, ватанпарварлик, интернационализм руҳида, коммунизм идеалларига чексиз садоқат, буржуа идеологияси ва ахлоқига, социалистик жамиятга ёт кўринишларга муросасизлик руҳида тарбиялашни муайян даражада яхшилади.

Партия, совет органларининг раҳбар ходимлари, сайланган активнинг меҳнаткашлар билан алоқасини мустаҳкамлаш ва ахборот бериб туриш иши анча яхшиланди. Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари, ягона сиёсий кунлар, лектор, пропагандист, агитаторларнинг чиқишлари бунга ёрдам бермоқда. Идеология ишларининг асосий қисми бевосита меҳнат коллективлари, цех, бўлим. участка, бригадаларга тобора кўпроқ кўчирилмоқда. КПСС Марказий Комитети апрель (1984 йил) Пленумининг умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги қарорини бажариш бўйича, атеистик тарбия, прогрессив анъаналарни, янгича анъана ва урф-одатларни пропаганда қилиш ва жорий этиш, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши қатъий кураш олиб бориш бўйича ишлар активлашди.

Бироқ, бу ишда ҳали кўпгина қийинчиликлар, муаммолар, ҳал этилмаган масалалар бор. Агар клуб муассасалари, спорт иншоотлари фаолияти тўғрисида гапираётган бўлсак, улар меҳнаткашларнинг ва шаҳримиз аҳолисининг ўсиб бораётган эҳтиёжларига тўла жавоб бермаётир. Ҳолбуки, бизда моддий-техника база анча етарли. Ҳозир 18 та стадион, 2298 спорт майдончаси (шу жумладан 249 таси турар жойларда), 49 та сузиш ҳавзаси, юздан зиёд маданият уйлари, саройлари ва клублари ва 16 та парк, 208 та кутубхона бор, деб таъкидлашди докладчи ва нотиқлар.

Шаҳарда физкультура ва спортни, маданий-оқартув ишларини ривожлантиришга даъват этилган ходимлар сони ҳам анчагина. Шаҳарда фақат физкультура ва спорт ходимларининг штати салкам 3 минг кишини ташкил этади.

Шаҳар маданий-оқартув муассасаларида мингдан зиёд мутахассис ишлаб турибди. Маданият, театр ва рассомчилик санъати институти ва маданий-оқартув техникуминиг 2170 студенти шаҳар маданий-оқартув муассасаларида ва турар жойларда иш олиб боришлари мумкин.

Шаҳарнинг бир қатор ташкилот ва муассасаларида моддий-техника базасидан самарали фойдаланилмоқда.

Пешқадам коллективларда, масалан, «Тошкент трактор заводи» бирлашмасида, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ва бошқа корхоналарда қизиқарли иш тажрибаси тўпланган.

Шу билан бирга биздаги моддий-техника базасидан, кўп сонли мутахассислардан етарлича фойдаланилмаяпти. Партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, халқ депутатларининг маҳаллий Советлари маданий ва спорт муассасаларидан фойдаланиш устидан бўш назорат қилмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов Совет ҳукуматининг таклифига биноан СССРга келган Жазоир Халқ Демократик Республикаси Бош министри А. Брахимини 12 август куни Кремлда қабул қилди.

Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

***

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев бошчилигидаги совет партия-давлат делегацияси Корея озод этилганлигининг 40 йиллигини байрам қилишда қатнашиш учун Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети ва КХДР Марказий Халқ Комитетининг таклифига биноан 12 августда Москвадан Пхеньянга жўнаб кетди.

• Партия ахбороти

ЮКСАК САВИЯДА

Партия группалари, цех партия ташкилотлари ва бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловларга тайёргарлик ва унн юксак савияда ўтказиш масаласи район партия комитетларининг диққат-марказида туришди. Масалан, Ленин районида бўлиб ўтган бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг семинарида КПССнинг навбатдаги XXVII съезди арафасида ўтаётган ҳисобот-сайлов кампаниясини ишларининг жанговар кўригига айлантириш, съездни мўносиб кутиб олиш учун план топшириқларн ва социалистик мажбурнятларни бажаришга меҳнат коллективларини сафарбар этишда коммунистларнинг етакчилик ролини ошириш масалаларига асосий эътибор қаратилди. Унда «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия комитетн секретари А. Стражков, шу корхона 5-цехн партия ташкилотн секретарн Е. Смолянинова ва бошқалар ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказишнинг муҳим томонларига эътиборни қаратдилар. Район партия қуйи звеноларида ҳисобот-сайловларни ҳозирги талаблар асосида ўюшқоқлик ва ишчанлик вазиятида ўтказишда семинарда билдирилган тавсияларга амал қилиняпти.

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ — ОММАГА

Куйбишев район партия комитетн ташаббуси билан районда фан-техника тараққиётн кабинетн очилди. Унда район саноат корхоналарн, илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотларининг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш юзасидан олиб бораётган ибратли ишлари ўз аксини топган.

Фан-техника тараққиёти кабинетн асосан илғорлар тажрибасини ёйиш, амалий учрашувлар, семинар ва кенгашлар ўтказишга мўлжалланган бўлиб, корхоналар ва илмий-тадқиқот институтларининг колективлари учун катта амалий аҳамият касб этади.

• Меҳнат семестри—85

ОТРЯД ҲИММАТИ

Йўлингиз тушиб Тошкент область, Тошкент районидаги «Ленинград» совхозига борсангиз, цитрус ўсимликлари ва гулчилик хўжалигида ғайратли ёшларни шижоат билан ишлаётганликларини кўрасиз.

Меҳнатсевар ёшлар — Тошкент Давлат медицина институтининг санитария-гигиена факультети студентларидан ташкил топган «Ғалаба» студент-қурилиш отряди жангчиларидир. Улар 63 киши бўлиб 45 кунда 101 минг сўмлик қурилиш монтаж ишларини бажариш мажбуриятини олган эдилар.

Бу студентлар қурилиш отряди жангчиларининг шиори «Ленинча яшаш, меҳнат қилиш ва курашишдир!».

Отряд ўтган ойда 45 минг сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Бунга энг кўп ҳисса қўшган Шавкатжон Матсапаев бригадасининг жангчилари хўжаликда энг зарур бўлган 500 кубометр сув сақловчи қурилмани биткази арафасидалар.

Бу бригада 7 кишидан ташкил топган, улар 15 кунда 30 минг сўмлик қурилиш ишларини бажарди. Ғайратли бригада аъзоларидан А. Менглиев, Ж. Жабборов, О. Яхшиев, Ш. Шафаев, Х. Марипов ва Б. Бўтаев лардир. Бу бригада стахановчасига ишлаб ҳар куни бир жангчи ҳисобига 2,5 — 2 кубометрга бетон қуйишга эришмоқда.

Бу қурилиш объектида студентлар учун ҳамма шароит яратиб берилган. Студентлар питомникнинг лаборатория корпусида яшайди. Совхоз томонидан студентларга магнитофон, телевизор ва ҳамма керакли нарсалар таъмин этилган.

Қурилиш жангчилари «Ленинград» совхози комсомоллари ҳамкорлигида дала шийпонларида бир неча концертлар бердилар.

КЎТАРИНКИ РУҲДА

Тошкент Давлат медицина институтининг 1450 нафар студентидан ташкил топган қурувчи отрядлар мамлакатимиз ўлкаларининг турли қурилиш объектларида меҳнат семестрини кўтаринки руҳда ўтказишмоқда. Айни пайтда уларнинг икки отряди Иваново шаҳрида ферма қурмоқда. Бир неча отряд эса Сирдарё областининг «Ленинград» совхози, Оржоникидзе номли колхозда ва Калинин районида чорвачилик комплекслари қурилишида фаол қатнашмоқда. 875 нафар студентни бирлаштирган 30 та отряд эса «Главташкентстрой»нинг 17, 23, 31, 75, 169-қурилиш бошқармаларига қарашли объектларда қурувчилар билан бир сафда туриб меҳнат қилмоқдалар.

— Отрядларимизда иш социалистик мусобақа асосида ташкил этилган. Уларнинг кўпчилиги кундалик топшириқни 1,5—2 ҳиссадан ошириб адо этиб, ўртоқларига ўрнак бўлишмоқда. Студент бунёдкорларимиз меҳнат семестри давомида 1 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга ваъда беришган эди. Ҳозир отрядларимиз жангчилари ўз ваъдаларига вафо қилиш учун тезкорлик билан қурилиш майдонларида ғайратшижоат кўрсатмоқдалар, — дейди институт комсомол комитети секретари Миралишер Исломов.

• «УРОҚ ВА БОЛҒА» ИТТИФОҚИГА САДОҚАТ

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

● Сабзавот ва мевалар — ҳамшаҳарларимиз дастурхонига.

● Республикамиз областларидан «қизил карвон»лар келмоқда.

● Тошкент райпишчеторгларн биринчи ўн кунликда харидорларга уч минг тоннага яқин дала ноз-неъматларини сотдилар.



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Тошкент шаҳри аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка билан таъминлашни тубдан яхшилаш тадбирлари тўғрисида» яқинда қабул қилган қарори ҳамшаҳарларимизга қилинаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Бу ҳужжатда таъкидлаб ўтилганидек, республика пойтахтининг меҳнатчиларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш муҳим снёсий ва хўжалик вазифаларидан бири сифатида қараш лозим.

Тошкентликлар ана шу қарорнинг бажарилишидаги дастлабки натижаларни ҳозиргача яққол ҳис қила бошладилар. Савдога дала неъматлари келтириш ҳажми ўсиб бормоқда. Республиканинг турли областларидан полиз, сабзавот-мева маҳсулотлари келтириляпти.

Ўтган шанба куни Сирдарё областининг далаларидан ноз-неъматлар ортилган «қизил карвон»лардан бири Тошкентга кириб келди. Олиб келинган маҳсулотлар барча уйжой микрорайонлари, сабзавот ярмаркаларига тарқатилди.

Харидорлар Чилонзор райпишчеторгининг 1-магазинидан сотиб олинган ноз-неъматлардан мамнун бўлишяпти. Оқ олтин районининг хўжаликлари яхши етилиб пишган тарвузларни армуғон қилиб юборишган.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасидан бизга хабар қилишларича, ҳамшаҳарларимизга дала неъматларини етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш бўйича яна қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилган. Жиззах, Сирдарё ва Тошкент областлари партия ва совет органлари билан ҳамкорликда савдо корхоналарига сабзавот ва полиз маҳсулотларини етказиб бериш муддатлари белгилаб олинди. Айни пайтда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш билан банд бўлаётган магазинларнинг тармоғи кенгайтирилмоқда, барча районларда «Узум бозор»лари, полиз маҳсулотларини қабул қилиб оладиган ва сотадиган жойлар ташкил қилинди.

СУРАТДА: «қизил карвон»лар кириб келмоқда; Чилонзор райпишчеторгининг 1-магазинида сотишдан олдин тарвузнинг сифати аниқланмоқда.

А. Абалян фотоси.

• Тошкент — янгича анъаналар шаҳри

САНЪАТ УСТАЛАРИ: «СИЗЛАРНИ РЕСТОРАНДА КУТАМИЗ»

«Тошкент оқшоми»нинг шу йил 9 август сони саҳифаларида одатдан ташқари эълон пайдо бўлди. Ресторанлар тошкентликлар ва Ўзбекистон пойтахтининг меҳмонларини... концертларга чорлади. Ана шу кунлари ресторанлар ҳар қачонгидан ҳам гавжум ва файзли бўлди. Янгилик дам олувчилар ва томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Редакция почтаси шу бугунданоқ бу ҳақда хатлар ола бошлади, телефонлар узлуксиз жиринглаб турибди. Дам олувчилар бундай янгиликни қўллаб-қувватламоқдалар ва яхши замонавий анъананинг жамоат учун аҳамиятини таъкидламоқдалар.

— Мазмун жиҳатидан саёз, бадиий жиҳатдан бўш мусиқа ва қўшиқлар ўрнига бугунги кунинг талабига тўлиқ жавоб бера оладиган профессионал артистларнинг концертларини ташкил этиш айни муддаодир, — деб ёзишмоқда газетхонлар.

Етук санъаткорларнинг маҳорати бизга ғоятда манзур бўляпти. Гап бу ерда айрим концертлар ҳақида эмас, балки келгусида яхши анъанага айланиб қоладиган янгича тадбирлар ҳақида бораётир.

Тошкентдаги кўпгина ресторанлар — «Зарафшон», «Чилонзор», «Тошкент» ва бошқа ҳордиқ чиқариш масканларининг биноларини профессионал ижодий коллективларнинг чиқишлари ҳақидаги реклама афишалари безаб турибди. Улар тошкентликларни ресторанга чорлаб, севимли эстрада артистлари билан учрашувга таклиф этмоқда. Шаҳримизнинг қизиқарли концерт ҳаёти билан биринчи бор бундай учрашув-концертлар манзур бўлдими?

— Ресторанимиз залига 400 дан ортиқ санъат мухлислари марҳамат қилишди, — дейди «Зарафшон» ресторани директори Ўринбосари Ў. Ш. Шоюсупов, — оқшомги ором бошланмасидан олдин «Навоо» вокаль чолғу ансамбли артистлари аппаратураларини ўрнатиб, созларини созлашди. Ташкилотчилар ҳам, ижрочилар ҳам ҳаяжонда эдик...

— Дадил айтиш мумкинки, биз томошабинларимиз даврасини янада кенгайтирдик, — дейишди республикада хизмат кўрсатган артистлар Ортиқ Отажонов ва Феруза Солиҳова. — Ишончимиз комилки, маданий хизмат кўрсатишнинг бу янги усули тошкентликларга албатта манзур бўлади. Чунки одамлар ресторанга дам олиш учун келадилар.

— Республика партия активи йиғилишида меҳнаткашларни ахлоқий руҳда тарбиялаш бўйича маданият муассасаларининг фаолиятини мунтазам такомиллаштириб бориш таъкидлаб ўтилди ва бу муҳим омиллардан биридир, — дейди концерт қатнашчиси, меҳнат ветерани, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнатчиси В. Н. Лижков. Бундан буён ресторанларимизда чинакам яйраб ҳордиқ чиқариш учун жуда соз шароит яратилди.

— Бу дам олишнинг янги усули бўлиб, уни чинакам эстетик ва маданий савия билан бойитиш — маданият ходимларининг бурчидир, — дейди матбаачи Р. Б. Раҳмонова. — Эстрада программаси номаълум муаллифларнинг хом-хатала мазмундаги қўшиқлари билан эмас, балки социал мазмундаги кенг маънолн қўшиқлардан иборат этиб тузилган. Бир сўз билан айтганда томошабин ҳурмати бажо келтирилмоқда.

«Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг концерти ҳам катта муваффақият билан ўтди. Бу шуҳрат қозонган коллектив чет элларда бир неча марта маҳоратини намойиш этолган. Унинг тошкентликлар билан янги учрашуви чинакам қувончга айланди.

***

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Феруза Солиҳова «Зарафшон» ресторанида рақс тушмоқда; «Шодлик» ансамбли раққосалари «Тошкент» ресторанида маҳоратларини намойиш этишмоқда.

ХАЛҚНИ МАЪНАВИЙ ВА ЖИСМОНИЙ КАМОЛ ТОПТИРИШГА— ПАРТИЯВИЙ ҒАМХЎРЛИК

(Давоми. Бошн 1-бетда).

Шаҳарнинг деярли барча спорт иншоотларидан етарлича фойдаланилмаяпти. Стадионлар, спорт залларининг 50—60 процентигина машғулот билан тўлган, холос. Бизнинг марказий спорт базамиз — «Пахтакор» стадионининг спорт секцияларида эса шаҳарнинг бор-йўғи 3500 аҳолиси шуғулланмоқда.

Шу пайтгача стадионларимиз кам самарали бўлиб келди. Улар ёмон аҳволда сақланмоқда. Масалан, шаҳримизнинг эски базаларидан бири «Спартак» стадиони кўримсиз. Майдон ва унинг четлари қониқарсиз аҳволда. Спорт залларидаги санитария узеллари, душхоналар деярли ўз ҳолига ташлаб қўйилган, антисанитария ҳолатида. Коридорларда поллар кўчиб ётибди. Тренерларнинг кабинетига эса қараб бўлмайди. Стадион раҳбарлари ремонт учун маблағ ва материаллар ажратилмаётганидан нолишмоқда. Айни пайтда эса омборхонада материаллар сероб.

Стадион директори П. Отахоновдан шундай деб сўрамоқчимиз, деди докладчи: хўш, бу рўй берган аҳвол билан у қачонгача муроса қилмоқчи? Тартиб ўрнатиш нияти борми ўзи? Ёки бу ишнинг уддасидан чиқолмаяптими? Ўзининг хизмат бурчини ҳалол ва виждонан бажаришга қодирми у?

«Восток» спорт комплекси докладда кескин танқид қилиб ўтилди. Бу ерда ечиниш хоналари, кийимлар учун шкафлар, душхона, медпункт йўқ. Катта ваннадаги сув эса хлорланмаган. «Меҳнат» стадионида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Бу ерда умуман барча спорт майдончалари эрталабдан кечгача бўш туради. Спорт тадбирлари ҳеч ким томонидан назорат қилинмайди. «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти шаҳарнинг энг янги ўқув-машқ базаларидан бири бўлишига қарамай бу ердаги ҳам аҳвол жиддий. Умумий жисмоний тайёргарлик залида душхона ва ечиниш хоналари канализация носозлиги туфайли ишламаяпти. Саломатлик группаси учун спорт зали йўқ. ГТО комплекси бўйича группа ташкил этилмаган. Ўқув-машқ базасида спорт инвентарлари прокати пункти ташкил этилмаган. Бошқа кўпгина нуқсонлар мавжуд.

—Яқинда бўлиб ўтган республика партия активида,— деб таъкидлади У. Ў. Умаров, — биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев докладида бунинг учун ҳаққоний ва жиддий танқид қилиндик.

Шаҳарда мавжуд сузиш ҳавзаларидан самарасиз фойдаланиляпти. Ҳолбуки қозир ёзнинг иссиқ кунларида улар болалар ва ўсмирларнинг дам олиш марказига айланиши керак. Бундан ташқари ҳавзаларнинг деярли ярми ишламаяпти, ремонт қилинмоқда. Акмал Икромов, Киров, Фрунзе ва Чиловзор районидаги ҳавзаларнинг бир қисми ифлос, фойдаланишга яроқсиз.

Маданият муассасаларида кўп йиллардан буён ҳар хил ташкилот ва идоралар жойлашиб олган. Бу эса КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига зиддир.

И. Охунбобоев номидаги маданият уйида 36 та хонадан 24 тасини ошхоналар трести, «Госстрах», олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг лойиҳа-конструкторлик бюроси ва бошқа ташкилотлар эгаллаб олган. Тошкент тўқимачилар маданият саройи майдонининг анчагина қисмини кўп йиллардан буён ўчта касаба союзлари область Советлари эгаллаб олган. Пойафзалчиларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилган саройини профилакторий қилиб олишган.

Мавжуд камчилик ва нуқсонларнинг бош сабаби шуки, спорт ва маданий-оқартув муассасаларининг фаолияти жуда бўш назорат қилинмоқда.

Биз спорт ва клуб муассасаларидан турли ташкилот ва идораларнинг фойдаланишидаги идоралараро тўсиққа барҳам беришимиз керак, дейишди нотиқлар. Ҳар бир спорт иншооти халқ маблағига қурилган ва халққа хизмат қилмоғи керак.

Физкультура, касаба союз, комсомол ташкилотлари, халқ депутатларининг маҳаллий Советлари барча спорт иншоотларидан максимал суратда фойдаланишни таъминлашлари керак. Улар мактаб, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари учун бепул фойдаланишга, олий ўқув юртлари студентлари учун эса белгиланган ижара ҳақининг ярмини тўлаш эвазига улар ихтиёрига бериб қўйилиши керак. Дам олишни ташкил этиш бўйича олиб борилаётган барча ишларимиз конкрет инсонга қаратилиши, унинг қизиқишлари ўзгаришини ҳисобга олиши шарт.

Шу билан бир қаторда кўпгина клуб муассасалари, спорт базаларида машғулотларнинг турлари кам, улар уй шароитидаги дам олишдан кўра суст ривожланмоқда. Клубларда халқ университетларини, кино-фото студиялар, ҳаваскорлик бирлашмаларини яратиш бўйича ишлар суст олиб бориляпти. Баҳслар, ҳалқ сайллари, театрлашган томошалар сингари актив иш формаларидан етарлича фойдаланилмаяпти. Маданий-оқартув ва физкультура ишларида пропаганданинг техника воситалари бўш қўлланиляпти. Оммавий тадбирлар кўпинча паст савияда ташкил этилмоқда. Кўпчилик районларда бадиий ҳаваскорлик қатнашчилари сони камаймоқда. Техника ижоди бўш ривожланяпти. Оқибатда кўпгина клуб ва спорт муассасаларида давомат пасайиб кетмоқда. Ешларнинг анчагина қисми ўзларининг бўш вақтларини маданият муассасалари ва спорт иншоотларида эмас, балки ўз уйларида, ҳовлиларда ўтказишаётгани бежиз эмас. Эстрада группалари, концертлар ташкил этиш назорат қилинмаяпти. Ичкиликбозлик, безорилик давом этмоқда.

Меҳнаткашларни ахлоқий тарбиялаш, жамоат фикрини шакллантириш, ичкиликбозлик, безорилик, дилозорлик сингари ўтмиш сарқитларига қарши кураш олиб бориш бўйича маданият муассасалари фаолиятини муттасил такомиллаштириш талаб этилади. Ҳар бир клуб, маданият саройи, ётоқхона, корхона қизил бурчагида саломатлик, турмуш, ахлоқий тарбия, ҳуқуқ билимлари лекторийлари ва халқ университетлари очиш зарур.

КПСС Марказий Комитетининг ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш бўйича қабул қилган қарорини бажариш борасида бизнинг олдимизда катта, узоқ муддатга мўлжалланган ишлар турибди. Бунда маданият ва спорт муассасаларининг роли каттадир. Ичкиликбозлика қарши кураш оммавий, ҳужумкор руҳ касб этсин. Бу ҳужумкорликни эса сусайтирмаслик керак.

Ҳушёр турмуш тарзи учун кураша лекция ва суҳбатлардан медицина ходимлари, юристлар билан учрашувлардан актив роқ фойдаланиш керак. Ҳушёрлар клубларини ташкил этиш керак. Спиртли ичимликсиз ўтказиладиган байрам ва тантаналарни жорий этиш, бадиий-агитация бригадалари тузиш лозим. Улар ичкиликбозликнинг социал зарарларини очиб берсинлар.

КПСС Марказий Комитетининг қарорида шу нарса таъкидлаб ўтилган эдики, клуб муассасалари ишида диний сарқитларга барҳам беришга етарлича эътибор қаратилмаяпти. Бу шунинг учун муҳимки, шаҳарда диний урф-одатлар билан зарланган кишилар сони суст камаймоқда. Шунинг учун ҳам маданият муассасалари динга қарши пропагандани системали олиб боришга даъват этилганлар. Динга ишонувчилар ўртасида олиб борилаётган ишларни ҳар томонлама кучайтиришлари, барча аҳолида, айниқса ўсиб келаётган авлодда атеистик эътиқодни шакллантириш лозим. Маданият муассасаларининг атеистик тарбия бўйича иш планларини партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг, меҳнаткашларнинг атеистик тарбияси бўйича иш планлари билан мувофиқлаштириши талаб этилмоқда.

Аҳолини, айниқса, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишида кўпгина ҳал этилмаган масалалар бор. Афсуски, шаҳардаги кўпчилик партия ташкилотлари учун Ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарлик даврида олиб борилган қизғин ишлар бу сана тантанали нишонлангандан кейин бўшашиб кетди. Биз шуни унутиб қўймоқдамизки, фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги фақат 9 майга эмас, балки бутун йил мобайнига хосдир. Бунда бизнинг ишимиздаги кампаниячилик сингари салбий хусусият яна кўриниб қолди. Биз қисқа вақт ичида ёшларни, болалар ва ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини анча яхшилашимиз зарур. Маданият уйлари ва саройларида, клубларда ёшларнинг Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ветеранлари, ҳарбий хизматчилар билан учрашувларини ташкил этиш, ҳарбий-ватанпарварлик тематикасидаги асарлар билан китобхонлар конференциялари, баҳслар уюштириш практикасини кенг қўллаш керак. Ёш учувчилар, парашютчилар, десантчилар, чегарачилар, денгизчилар клубларини ташкил этмоқ керак.

Спорт иншоотларидан ҳарбий-спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказишда, «Зарница», «Орленок» ҳарбий-спорт ўйинларини ташкил этишда самарали фойдаланиш зарур.

Меҳнаткашларни эстетик тарбиялаш ишларини такомиллаштириш ҳам муҳим проблема ҳисобланади. Марксча-ленинча эстетикани, совет маданияти ютуқларини пропаганда қилишда, буржуа эстетикаси концепциясини танқид қилишда ҳар бир партия ташкилоти ҳужумкор позицияни тутмоғи керак. Барча ғоявий таъсир воситаларидан самарали фойдаланиш, бунда оғзаки пропаганда, матбуот, радио, телевидениедан самарали фойдаланиш, маданият муассасалари бу ишда бош ролни ўйнашлари керак. Маданий-оқартув муассасалари ўзларининг фаолиятларини ўз идораларида ва ўзларига қарашли биноларда ёки оталиқдаги ташкилотлар билан чеклаб қўймасликлари керак. Шаҳримизнинг ҳар бир меҳнатчиси, аҳолиси улар таъсирида бўлмоғи керак. Ҳар бир район, меҳнат коллективи, ўқув юртида ўн иккинчи беш йиллик учун эстетик тарбия программасини яратиш, бу ишни изчил, комплекс олиб бориш, маданий-оқартув муассасалари имкониятларидан кенг фойдаланиш даркор.

Клуб, маданият уйлари ва саройларини безатиш ҳам эстетик тарбиянинг муҳим элементи ҳисобланади. Бироқ шуни айтиш керакки, бу борадаги аҳвол унчалик яхши эмас. 90 процентдан зиёд маданият муассасалари мослашмаган биноларда жойлашган, капитал ремонтга муҳтож, кўргазмали агитация эса томошабинларнинг дидига жавоб бермайди, у етарлича сиёсий мазмун касб этмаётир.

Ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг мавжуд клублардан фойдаланиш устидан назорат ўрнатиш зарурлигига эътиборни қаратдилар. Экранларимизда ҳафталаб ахлоқимизга зид бўлган, фақат пул тўплаш учунгина намойиш қилинаётган киноларга йўл бермаслигимиз керак. Ҳолбуки айни пайтда совет кинематографларининг энг яхши асарлари қўйилаётганда заллар ярим-ёрти тўлмоқда. Бунда фақат тақиқлаш ва кўрсатмалар бериш билангина чекланиш ярамайди. Кенг тарбиявий ишлар олиб бормоқ керак. Фильмларнинг ижодкорлари билан учрашувлар, коллектив кўриклар ўтказиш, рекламани йўлга қўйиш керак.

Докладда ва нотиқларнинг сўзларида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, биз кишиларимиз қалби ва онгига буржуа идеологиясининг заррача ҳам суқилиб кирмаслиги учун курашишимиз керак. Ўнга қарши, аниқ ва самарали контрпропаганда олиб боришимиз ва бу ишнинг муайян қисмини маданият муассасалари ва спорт муассасалари олиб бориши керак. Ҳамма жойда ташкил этилаётган маданий-спорт комплекслари биргаликда иш олиб борса, самарали бўлишини давр кўрсатиб турибди. Бироқ, улар ҳали суст ташкил этиляпти. Гоҳида бир қатор раҳбарлар бу ишни очиқдан-очиқ ҳоҳламаяпти. Биз ўз олдимизга шундай вазифани қўйишимиз керак, деб таъкидлади докладчи: 1985—1986 йилларда шаҳарнинг барча районларида спорт комплекслари яратмоқ керак. Район партия комитетлари, халқ депутатлари, Советларининг ижроия комитетлари бу ишни қатъий назорат остига олишлари керак.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш бўйича комплекс тадбирлар ичида шаҳар маданият ва истироҳат боғларида бўш вақтни оқилона ва фойдали тарзда ўтказишни ташкил этишни такомиллаштириш иши алоҳида ўрин тутади. Бу борада Э. Тельман номли паркда маданий-оқартув ва спорт-соғломлаштириш ишлари бўйича қизиқарли тажриба тўпланган. «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Фурқат номидаги парк коллективларининг ишлари оталиқ ёрдамининг ҳақиқий намунаси бўла олади. Паркда завод ишчилари меҳнат байрамини, ишчилар сафига қабул қилиш тантаналарини ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказмоқдалар. Бироқ, афсуски, паркларнинг каттагина қисми яроқсиз аҳволда бўлиб, ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Республика ва область активларида Ленин комсомоли номли, Киров номли маданият ва истироҳат боғлари, марказий болалар парки кескин ва ҳаққоний танқид қилинди. Улардаги аттракционлар ўта оддий, ҳаммаёқ ифлос, бу ерда хизмат қилаётганларнинг ўз вазифаларини суиистеъмол қилиш ҳоллари ҳам бор. Масалан, шу йилнинг апрель ойида болалар паркида иккита — «Светофор» ва «Ветерок» аттракционлари иши текширилди. Фақат уч соат ичида бу аттракционларнинг контролерлари 85 кишига билет беришмади. Бу иш юзасидан жиноий иш қўзғатилди. Аммо шу билан суиистеъмол қилишлар барҳам топади, деб ишониш қийин.

Паркларнинг майдонларида ҳар хил ташкилот ва муассасалар жойлашиб олган. Горький номли паркда кондитер цехи, омборхоналар, Шумилов номли богда нон магазини, морс цехи жойлашган. Меҳнаткашларнинг маданий дам олиши учун шароитлар яратилмаган паркларнинг ғўйхатини давом эттириш мумкин. Шаҳардаги 16 паркдан 9 таси ана шундай аҳволда. Маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш учун бинолар етишмаётган бир кезда ана шундай ҳол содир бўлган. 4 та паркнинг территориясида турар жой бинолари жойлашган ва уларда 140 га яқин оила истиқомат қилаётгани мутлақо тушунарсиз ҳолдир. «Бахт» ва «Роҳат» дам олиш зоналари ҳозирги талабларга жавоб бермайди: уларнинг моддий-техника базасини, иш мазмунини, ташқи кўринишни, бадиий безагини жиддий яхшилаш керак.

1983 йил декабрь ойида шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети «Маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилган эдилар. Маданият ва истироҳат боғларида яшил театрлар, ўқиш заллари, кинолекторий, рақс ва эстрада майдончалари, спорт иншоотлари қуриш, маданий инвентарлар прокати пунктларини ташкил этиш ва бошқа маданий ва спорт объектлари қуриш бўйича тадбирлар белгиланган эди.

Паркларга туташ клублар, кутубхоналар, ижодий ва спорт ташкилотлари, корхоналар, мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари паркларнинг ишида мунтазам қатнашиши белгиланган, паркларнинг уларга ёндош турар жой массивлари билан маданий-оталиқ алоқаларини ҳар томонлама кенгайтириш кўзда тутилган эди.

Амалда эса район Советлари ижроия комитетлари, шаҳар Совети ижроия комитетининг маданият бошқармаси томонидан мазкур қарорнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатилмаганлиги оқибатида унинг кўпгина бандлари бажарилмай қоғозда қолиб кетди.

Ҳунар-техника таълими бошқармаси боғ-парк хўжаликлари учун ҳунар-техника билим юртларида кадрлар тайёрлаш ишини ташкил этмади. Шу пайтгача янги ҳайвонот боғи қурилиши борасида қуруқ гапдан нарига ўтилгани йўқ. Мавжуд дастгоҳлардан, шу жумладан қимматбаҳо чет эл дастгоҳларидан ўта эҳтиётсизлик билан фойдаланилаяпти. Аттракционлар ва автомат ўйинларнинг кўпчилиги бўш туриб қолаяпти. Ремонтлар ўз вақтида қилинмайди. Фойдаланилмаётган дастгоҳлар тартибсиз ҳолда сақланяпти.

Шаҳардаги саккизта паркда ўрнатилмаган дастгоҳлар 77,9 минг сўмни ташкил этади. Фойдаланилмаётган дастгоҳлар эса 486,2 минг сўмни ташкил этади. Автомат ўйинлардан даромадлар мунтазам камайиб бораётгани ҳақида-ку гапирмай қўяқолайлик, қанчадан-қанча тошкентликлар, уларнинг фарзандлари ўзларининг бўш вақтларидан оқилона фойдаланиш имкониятига эга эмаслар.

Яна шу нарса кишини ташвишга соладики, деб таъкидлашди актив қатнашчилари, деярли барча боғларда майдоннинг анчагина қисми ресторанларга, пиво барларига ва бошқаларга бериб қўйилган. Айни пайтда эса боғларда совуқ ичимликлар, музқаймоқ савдоси ўта қониқарсиз ташкил этилган. Маданий томоша хиллари жуда кам, айниқса болалар учун. Энг одий спорт иншоотлари ҳам йўқ. Ҳеч қандай физкультура ва спорт соғломлаштириш ишлари олиб борилмайди.

Актив йиғилишида шаҳар маданият бошқармасининг бошлиғи И. И. Мельниковага шундай савол берилди — паркдар қачон шаҳарликларнинг ҳақиқий дам олиш жойига айланади, нега парклар бунчалик ўз ҳолига ташлаб қўйилди?

Шаҳар атрофи зоналари ва корхоналарнинг дам олиш базаларидан актив дам олишни ташкил этишда янада самарали фойдаланиш керак. Улар фақат кишиларнинг табиат қучоғида бўладиган жойига айланмасдан, балки спорт-соғломлаштириш машғулотлари ўтказиш, ГТО комплекси нормаларини топшириш базалари бўлмоғи зарур. Шундай жойларда спорт майдончалари ва иншоотлари очиқ сузиш ҳавзалари қуришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш аризийди. Албатта, дам олиш жойлари билан турар-жой кварталлари ўртасида транспорт воситалари қулай бўлиши, яшил зоналарда, пляжларда, боғларда совуқ ичимликлар, музқаймоқлар савдоси йўлга қўйилиши керак. Бу жойлар амалда саломатлик марказлари, соғлом ҳаёт учун таянч базалари бўлиб қолиши лозим. Паркда ёки шаҳар ташқарисида ўтказилган вақтлар иложи борича кишиларга яхши кайфият бағишлаши учун барча имкониятларни ишга солиш даркор.

Мамлакатда физкультура-соғломлаштириш комбинатлари, ҳақ тўланадиган саломатлик группа ва мактаблари ташкил этиш кенг тус олмоқда. Кишилар агар бу иш юксак савияда ташкил этилса, ўз дам олиш соатларининг муайян қисмига ҳақ тўлашга тайёрдирлар.

Бу аҳолининг тобора кенг қисмини маданият ва спорт муассасалари тадбирларига тортиш, уларнинг давомати ни кенгайтириш, моддий базани кучайтириш, иш савиясини оширишга ёрдам беради. Афсуски, шаҳримизда оммавий, маданий-оммавий ва физкультура-соғломлаштириш ишларининг янги формалари ҳали етарлича ривож топгани йўқ.

Шаҳар спорт комитети, спорт жамиятларининг раҳбарлари, халқ депутатларининг маҳаллий советлари қисқа муддат ичида кўнгилик ҳисоби асосидаги физкультура - соғломлаштириш бирлашмаларининг тармоқларини, саломатлик комбинатлари ва мактабларини яратишлари, улар зиммасига аҳолига физкультура-соғломлаштириш хизмати кўрсатишни таъминлаш, абонемент группалари ва консультация-методик пунктлар ташкил этиш вазифасини юклашлари зарур.

Маданият уйлари ва клубларида бичиш-тикиш, кулинария ва рўзғор юритиш, боғдорчилик ва бошқа пуллик тўғараклар, чолғу асбоблари чалишни ўргатиш курслари ташкил этиш, маданий инвентарларни, пластинка ва магнитофон ёзувларни прокатга беришни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Турар-жойларда аҳоли ўртасида маданий-оммавий ва физкультура - соғломлаштириш ишларини яхшилаш учун давлат ва жамоат ташкилотлари, ўқув юртларининг мажлислар ва спорт залларидан кенг фойдаланиш керак. Бу ишга қизил бурчакларни актив жалб этиш, болалар ва ўсмирлар клубларининг тармоқларини ривожлантириш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш зарур.

Турар-жойларда, айниқса ёш болалар ва ўсмирлар ўртасида иш олиб боришни ташкил этишда, энг оддий спорт иншоотларини бунёд этишда шаҳар Совети ижроия комитетининг уй-жой бошқармаси ва унинг жойлардаги органлари муҳим роль ўйнаши керак. Ҳозирги вақтда барча турар-жойлардан фойдаланиш бошқармалари ва идоралари қошида иккита ҳақ тўланадиган лавозим — спорт инструктори ва педагог-ташкилотчи вазифалари жорий этилган. Маданий ва спорт-оммавий ишларни самарали олиб бориш кўп жиҳатдан уларнинг ҳалол ва виждонан ишлашларига, ишнинг кўзини билишларига боғлиқ. Бироқ, афсуски бу борада тўла назоратсизлик ва хўжасизлик ҳукм суряпти. Оқибатда бу лавозимларни тасодифий кишилар, кўпчилик ҳолларда эса зарур билимга эга бўлмаган кишилар эгаллаб олишган. Педагог-ташкилотчилар ва спорт инструкторларининг ўзлари тартибни бузиб, бетайинлик қилиш ҳолларига, спорт инвентарлари ва дасттоҳларини олишда молия интизомларини турлича бузишга йўл қўйишаётган экан, иш самарасини ошириш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин, ахир?

Докладчи ва сўзга чиққанлар мисоллар келтиришди. Акмал Икромов районининг 65-уй-жойлардан фойдаланиш участкаси педагог-ташкилотчиси А. Пилипенко чайқовчилик қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди. Куйбишев районидаги 31-турар-жойлардан фойдаланиш участкасининг педагог-ташкилотчиси Т. Рўзиева аҳлоқсизлиги учун ички ишлар органлари томонидан учетга олинди. Бу ҳақда республика партия активи минбаридан ҳам айтилган эди. Бу «педагоглар» бутун Ўзбекистонга «донг» таратдилар. Хўш, Акмал Икромов ва Куйбишев район Советларининг ижроия комитетлари раҳбарлари қаёққа қараган эдилар? Ахир, педагог-ташкилотчи кадрларни танлаш иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган экан, бу аҳволни улар энди қандай қилиб тузатмоқчилар?

Бизда мана шунга ўхшаш шахслар «фаолияти» оқибатида ҳар йили болалар ва ўсмирлар билан ишлашга ажратилган маблағлар тўла сарфланмай қоляпти. ЖЭК-лар қошида техника ва бадиий ижод тўгараклари, спорт секциялари тармоқлари жуда озлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Ўсмирлар томонидан тартиб бузилишлари даражаси эса жуда юқори.

Район звеносидаги спорт ва маданият органлари ходимларини танлаш борасида анчагина камчиликлар бор. Масалан, 10 та район маданият бўлими мудирдан иккитаси партиясиз, олтитаси махсус маълумотга эга эмас, ўнта район спорт комитети раисидан фақат тўрт нафарига КПСС аъзосидир.

Шаҳарда турар-жойларни маданий ва спорт иншоотларисиз топширишдек ярамас ҳолат давом этаётганига тўхтат қилиш мумкин эмас. Шаҳарда ўн биринчи беш йиллик мобайнида барча турар-жой қурилишлари лойиҳалари ҳар 10 минг аҳолига сузиш ҳавзаси, ҳар 50 минг аҳолига стадион барпо этишни кўзда тутган ҳолда тузилган бўлишига қарамай, «Главташкентстрой» бирон-та ҳам сузиш ҳавзаси ва бирон-та ҳам стадионни қуриб бермади. Ўтган йили умуман спорт майдончалари қурилиш планидан чиқариб ташланди. Оқибатда массивлар шундай барпо этилдики, ҳар 100 минг аҳолига бирон-та ҳам стадион, ҳавза, спорт зали, маданият уйи қуриб берилмади.

Шаҳарнинг саноат корхоналари, ташкилот ва муассасалари қураётган спорт иншоотлари суръатлари бизни қаноатлантирмаяпти. Беш йилдан буён агрегат заводи мана шундай спорт иншооти қурилишини чўзиб келяптики, ҳали-бери бу қурилишнинг поёни кўринмайди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик, «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Подъёмник» заводи, В. И. Ленин номидаги электронтехника заводи, 4-уйсозлик комбинати, «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси сингари коллективлар ўзларининг спорт базаларига мутлақо эга эмаслар.

Партия ташкилотлари маданий-оқартув муассасалари ва спорт иншоотларининг иш планларини мунтазам кўриб чиқиш ва тасдиқлашга, улар фаолиятини систематик суратда таҳлил этишга, уни яхшилаш учун оператив чоралар кўришга, маданий-оқартув ва физкультура-соғломлаштириш ишидаги янги, илғор жиҳатларни актив қўллаб-қувватлашга, дам олиш ишларини такомиллаштиришга даъват этилганлар. Шу нарса қатъий қоида бўлиб қолмоғи керакки, маданият саройлари ва уйлари, клуб ва спорт иншоотларининг раҳбарлари мунтазам равишда партия йиғилишларида ва аҳоли олдида ҳисоб бериб туришлари лозим. Бу ишда совет органлари касаба союз ва комсомол комитеталарининг ролини кўтариш зарур.

Клуб муассасалари ва спорт иншоотлари иши оммавий ахборот ва пропаганданинг барча воситалари томонидан кенг ёритилиши керак. «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» шаҳар газеталари саҳифаларида махсус рубрикалар очиш, аҳоли дам олишини ташкил этишнинг илғор формалари ҳақида тез-тез ҳикоя қилиш, камчилик ва нуқсонларни дадил очиб ташлаш зарур.

Актив йиғилиши қатнашчилари шуни яқдиллик билан таъкидлашдики, КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш бўйича олдимизда катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Кўриниб турибдики, ишлар жуда кўп ва уларни муваффақиятли амалга ошириш ҳаммамизга боғлиқдир.

ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Кейинги йилларда партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг меҳнатдан сўнг мириқиб дам олишини яхши уюштириш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Тошкентликлар ишдан сўнг ва дам олиш кунларида маданият ва истироҳат боғларида, клублар ва стадионларда бўлишяпти.

Суратларда: спорт мусобақаларидан лавҳалар.



2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

13 АВГУСТ. 1985 й.

ЛЕНИНГРАД ТОМОШАБИНЛАРИ ҲУЗУРИГА

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбек Давлат филармониясининг Тўхтасин Жалилов номли Ўзбекистон давлат халқ чолғу асбоблари оркестри Ленинград шаҳрига навбатдаги ижодий сафарга отланди. Қарийб 40 кун давом этадиган гастроль мобайнида ўзбек халқ куйлари, республикамиз истеъдодли композиторларининг янги асарлари мусиқа шайдоларига тақдим этилади.

Кейинги йилларда оркестр коллективининг мамлакатимиз бўйлаб ўтказаётган сафари қувончли натижалар бермоқда. Шуниси диққатга сазоворки, ҳар бир гастроль сафари оркестр репертуарини ранг-баранг янги асарлар билан бойитмоқда.

Оркестрнинг бу галги гастроль программасида мамлакатимиз ва чет эл машҳур композиторлари П. Чайковский, Ж. Верди, И. Штраус, И. Дунаевский, А. Новиков, Г. Свиридов асарлари билан бир қаторда Т. Қурбонов, Ф. Алимов, К. Кенжаев, Ҳ. Раҳимов сингари ўзбек композиторларининг куй ва қўшиқлари ҳам кенг ўрин олган.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

Андрей Вознесенский: «ТОШКЕНТ— ТУЙҒУЛАРИМ ШАҲРИ»

Тошкент мен учун жуда ҳам қадрдон шаҳар. Ҳаётимдаги энг юксак ҳис-туйғуларни Тошкент зилзиласи пайтида бошдан кечирганим ҳақида илгари ёзган эдим. Мен табиий офат пайти очиқ ҳавода, палаткаларда яшаган ажойиб одамларнинг дардига шерик эдим. Бу ҳамдарлик туйғусини ҳеч қачон унутмайман.

Бугунги кунда менинг шеърларим ўзбек тилида янграётганидан мамнунман. Тошкентлик азиз ўқувчиларимга энг ёруғ тилаклар ёр бўлсин.

Андрей ВОЗНЕСЕНСКИЙ,
СССР Давлат мукофоти лауреати.

РЕКВИЕМ

Гулчамбарлар қўйинг денгизга.
Бордир шундай инсоний удум —
ҳалок бўлган жангчиларни шод айлаб ёдин
гулчамбар қўйишар денгизга.

Бунда балиқчилар шўнғиб ўн минг тик
Қотган қоқ суякни олдилар топиб,
айтолмасдан исмларин, сабабларин ҳам,
юзларини озод тутиб ёруғ дунёга,
сув қаъридан бизга томон интилар улар.

Денгиз мозорига мангу занжирбанд
сассиз чайқалади умурткалари —
исмсиз, даҳшатли марварид гуллар.
Гулчамбарлар қўйинг денгизга.

Бировнинг оёғида пақирдай этик,
бировнинг кўкрагида нотавон тумор.
Нидолар ҳам мадад бермас бечораларга.
Отмадилар, тириклайин ғарқ этдилар зор,
жисмларин тарк айлаган жонларин излаб
сув сатҳида жимирлади чамбарак излар.

Гулчамбарлар қўйинг денгизга
қудратли, чинқириқ куйлардан...
Сиренгул, хайригул, атиргуллардан
гулчамбарлар қўйинг денгизга.

Гулчамбарлар қўйинг заминга.
Унда ётар гулдай йигитлар,
Сиренгул, хайригул, атиргуллардан
гулчамбарлар қўйинг заминга.

Ёниб кетган учувчиларнинг
хокин ўранг соф гуллар билан,
Парвоз олди ичгандингиз сиз улар билан.
Гулчамбарлар қўйинг осмонга.

Токи самолардан оламга боқиб,
тортиш қонунини менсимай улар,
келар авлодларга сўйласин гуллар:
«Гулчамбарлар қўйинг — тириксиз токи».

Гулчамбарлар қўйинг Вақтга.
Шу мангу оловда биз ёниб кетдик.
Энг тоза, муаттар гулларни элтиб
Гулчамбарлар қўйинг оловга.

Сирожиддин САИДОВ таржимаси

РАССОМ ҲАҚИДА РИВОЯТ

Рассом яшар эди мағрур ва қашшоқ,
Аммо бахт юлдузи порлади бир кун.
У англади даркор бир сурат чизмоқ, —
Ки михсиз деворда осилиб турсин.

Уйдан уйга кўчди бошпана учун,
Овқати — нону сув. У қилди тоқат.
Йоглардек суратни айлади афсун,
Аммо қулайверди девордан сурат.
Сеҳргар бўёқлар ўзига тортди,

Кўрганнинг нигоҳи қолди ёпишиб.
Аммо девор бемих суратни отди,
Сурат кетаверди девордан тушиб.
«Дардларингни олай, ёнсин жону тан, —

Бетонга ёлворди рассом кўзлари, —
Қарагин, беқувв бу кафтларимдан
Тошиб чиқаётир михнинг излари».
Касб-кор азобида ўлиб кетди у.

Мийиғида кулди юлдуз ҳам... Лаънат!
Унинг суратини осишмайди-ю
Бемих осиқ турар деворда сурат.

ТУШ

Суд қилишар бизни — учта ўғрини.
Мен ҳам довдирайман: — ўғирлаган ким?
Ажратмоқ бўламан гўё тўғрини,
Аммо биламанки, ўғри — мен ўзим.

Бири иқрор бўлар: — мечман гуноҳкор!
Бири кўрсатади далилларни жим.
Менинг жавобимни беришади: — Бор!
Аммо биламанки, ўғри — мен ўзим.

Уйда хазинани очиб кўраман,
Бўйнингнинг тафти бор дурда ҳануз, о...
Гувоҳ бўлмоқликка аммо сен йўқсан,
Йўқсан. Ҳеч ким менга беролмас жазо.

САГА*

Мени уйғотасан отганида тонг,
Мени кузатгани чиқасан яланг.
Унутолмайсан мени ҳеч қачон,
Сен мени ҳеч қачон учратолмайсан.
Шамоллаб қолма деб сени ўрайман,
Зирқираб ўйлайман: — Э, воҳ, жудо жон,
Мен сени ҳеч қачон унутолмайман,
Учрата олмайман ҳеч қачон.
Мана бу жимжима ҳовузнинг суви,
Ҳувиллаган Биржа — кенг майдон,
Кўриша олмайди биз билан мангу,
Учраша олмаймиз ҳеч қачон.
Қип-қизил гилослар ерда ялтираб
Турган йўқ. Гилослар кўз ёшлардир — қон.
Қайтмоқлик — бу ёмон аломат —
Учрата олмайман сени ҳеч қачон.
Бу ёруғ жаҳонга қайта келсак ҳам,
Ҳофиз айтганидай, эврилиб замон.
Минг войки, айрилиб кетамиз, эркам,
Учрата олмайман сени ҳеч қачон.
Бир куни бизларнинг бу англамаслик —
Бу ўжар видомиз туйилар майда.
Ҳувиллаб ўлик танҳолик,
Қаршимизда кўринган жойда.
Юксакларда эса қалқиди дам-дам
Ўша икки жумла — икки тирик жон:
«Сен мени ҳеч қачон унутолмайсан,
Учрата олмайсан ҳеч қачон».

Усмон АЗИМОВ таржималари.

● Андрей Вознесенский таниқли совет шоири. Унинг шеърлари юксак замонавийлиги билан ажралиб туради. Шеърий тўпламлари Америка Қўшма Штатлари, Франция, Англия, Испанияда чоп этилган.

* Сага — афсона маъносида.

Санъатнинг сеҳрли олами

ЁШЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон рассомлар Союзининг Марказий кўргазмалар залида ёш рассомлар ижодини умумлаштирувчи «Ёшлар намойиш этади» кўргазмаси муваффақиятли давом этмоқда. Кўргазмалар зали деворларидан республика ёш мўйқалам усталарининг 200 га яқин рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва амалий санъат асарларидан намуналар ўрин олган. Ёшлар ўзларининг илғор инсонпарварлик, ватанпарварлик ғояларини ўз асарларида кенг кўрсатишга ҳаракат қилишган. Д. Юсуповнинг «Тинчлик учун», С. Лепёшкиннинг «Планетамизда тинчлик бўлсин», Т. Островерхованинг «Салют фестиваль!», В. Рошчинанинг «Ерда ва космосда тинчлик учун» сингари асарлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Жавлон Умарбеков, СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Баҳодир Жалолов, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Марат Содиқов сингари истеъдодли ўзбек рассомларининг кўргазмадан ўрин олган рангтасвир, графика жанрида яратган асарлари, айниқса, ташрифчиларда катта таассурот уйғотмоқда. Бу рассомларнинг асарлари она юртга бўлган муҳаббат, авлодлар боғлиқлиги, тириклик ва муҳаббат кечинмаларининг ёрқин тимсолидир.

СУРАТЛАРДА: кўргазма экспонатларидан намуналар.

О. Апухтин фотолари.



● Китоб жавонингизга ●

ПРЕМ ЧАНД ҚАҲРАМОНЛАРИГА МУРОЖААТ ЭТИБ

Ўзбек китобхонлари таниқли ҳинд ёзувчиси Прем Чанднинг «Жанг майдонида» романи қаҳрамонлари билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Роман халқнинг озодлик ва мустақиллик учун кураши ҳақида ҳикоя қилади. Китобни Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт ва санъат нашриёти босиб чиқарди. Романни тошкентлик адиб Амир Файзуллаев ҳинд тилидан таржима қилди.

А. Файзуллаев ҳозирги ҳинд адабиётида танқидий реализмнинг асосчиси Прем Чанд ижоди билан Тошкент давлат университетида ўқиб юрган пайтларидаёқ танишганди. У ёзувчининг роман ва ҳикояларини ўқиб ҳинд ва урду тилларини, мамлакатнинг янги тарихини, XX аср адабиётини ўрганди. Ҳиндистоннинг шаҳар ва қишлоқларида ёзувчи қаҳрамонларининг прототиплари билан танишди. Ёш мутахассис стажировкадан ўтиш учун Ҳиндистонга юборилганди. Таниқли шоир ва прозаик Яшпал мамлакат бўйлаб шу сафарда унга ҳамроҳ бўлди. Совет Иттифоқининг қалин дўсти Яшпал ҳинд халқининг порлоқ келажаги учун курашга куч-қувватини сарфлаётган кишиларнинг ташвиш ва орзулари Амирга яқин ва тушунарли бўлишини, мустамлакачилик ҳукмронлигининг оғир оқибатлари бўлмиш қашшоқлик, очлик, камбағалликка чек қўйиладиган кун келишига ишонишини хоҳларди.

Яшпалнинг сабоқлари ёш таржимон адибга кўп ёрдам берди. У китобхонларни Прем Чанднинг «Оташ нафаслар» ҳикоялар тўплами билан, «Нажот» романи, «Ҳинд шоирлари» тўплами билан таништирди. Тўпламга Мансинх Рахи, Шри Шивмангал Синх, Ғулом Раббоний ва бошқа авторларнинг шеърлари киритилган. У Яшпалнинг «Кул босган чўғлар» ҳикоялар тўпламини ҳам ўзбек тилига таржима қилди.

ЮМОРЛАР

● Ҳамтовоғи Мариуснинг юзига шапалоқ тортиб юборди.

— Ҳой, нима қилаяпсан! —қичқирди Мариус, —мени чиндан урдингми ёки ҳазиллашяпсанми!

— Чиндан урдим, — деди ҳамтовоғи.

— Ундай бўлса майли,— деди Мариус, — чунки бунақа ҳазилларни мен умуман ёқтирмайман.

● Немис драматурги Макс Халбе ва Франк Ведекинд кўп йиллардан бери дўст эдилар, аммо аҳён-аҳёнда бирбирларининг устидан кулишни ҳам қўймасдилар. Бир куни Макс Халбе драмасининг премьераси бўлиб ўтди.

— Қалай, драма сизга ёқдими! — сўради Халбе иккинчи куни.

— Кечаси билан кўз юмолмай чиқдим,— деди Ведекинд жилмайиб.

— Шунақа денг, менимча драмамда кишини бунчалар ҳаяжонга соладиган жойлари йўқ эди, шекилли.

— Гапингиз рост, дўстим, — деди Ведекинд, — кўз юмолмаганимнинг сабаби мен премьера пайтида тўйиб ухлаб олган эдимда.

Немис тилидан Йўлдош ПАРДАЕВ таржимаси.

ШЕЪРИЯТ КЕЧАСИ

Тошкент Давлат медицина институтида санитария гигиена факультети қурилиш отряди студентлари уюштирган «Шеърият билан учрашув» кечаси бўлиб ўтди. Бу кечага Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, шоир Абдулла Орипов ташриф буюрди.

Кечада факультет студентлари З. Умирова, М. Сулаймонова, З. Абдуазимовалар шоирнинг шеърларини ўқиб бердилар.

Шундан сўнг студентлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан шоир А. Ориповга мурожаат қилишди. Шоир Абдулла Орипов студентлар берган саволларга жавоб бериб, шеърларини ўқиб берди.

Бу учрашув шеърият мухлисларида катта таассурот қолдирди.

М. БОЗОРБОЕВ.

ОДАМГАРЧИЛИК

ҲАЖВИЯ

—1—

Тоҳир анҳор бўйидаги ошхонада тушликдан қайтиб, энди ишга шўнғиган ҳам эдики, столи устидаги гилосдай қип-қизил телефон «тил»га кириб қолди. Ишга жуда берилганиданми ёки хаёли паришон бўлиб қолганиданми, у телефон трубкасини истар-истамас эринибгина кўтарди.

— Алло! Алло, эшитаман.

— Салом, отагинам!

— Э, Сафар, бормисан оғайни, учрашмаганимизга ҳам бир ҳафта бўлди. Ўшандан бери...

Тоҳир шундай деди-ю, кўз олдида Юнусободда турадиган бир танишининг уйидан ярим кечада, йўқ-йўқ, ярим кечада эмас, тонготарда хўрозлар билан тенгма-тенг қичқиришиб чиқиб дўстлари ҳамроҳлигида уйига аранг етиб келгани, ўзига келолмай икки кун ишдан қолгани ва берган ваъдалари гавдаланди-ю, тили калимага келмай ғулдираб қолди.

— Ҳа, ҳалиги, а...

— Ҳа, оғайни, тилинг айланмаяпти, бир нима бўлдими! Ё сени врач-логопедга бир кўрсатайми!

— Кўп вайсайверма, — жеркиб ташлади Тоҳир, — ишинг борми менда, тезроқ гапир. Анча-мунча топшириқлар олганман, шу кун бажармасам бўлмайди.

— Ў, ударник бўлиб кет-е, қа-

—2—

чондан бери. Бунчалик ғайратли эканлигингни шунча йил оғайни бўлатуриб билмаган эканмиз. Э, янглишибман. Узр. Ғайратинг бор. Ўша куни бир ўзинг иккитасини бўшатибсан. Баракалло-э!!!

—Қўй, оғайни, ҳа деб ўша кунни эсга солаверма. Бир бўлди, энди бўлмайди...

— Шундайми!

— Шундай.

— Кел, бўлмаса бугундан бошлаб одамгарчилик йўлига ўтамиз.

— Тушунмадим, — ҳайрон бўлиб сўради Тоҳир.

— Бугун ишдан сўнг «олов»ни кўргани борамиз.

— Машъалникигами!

— Ҳа-да. Бироз бетоб бўлиб ётганмиш. Одамгарчилик қилиш керак. Бир вақтлар қил ўтмас оғайни эдик.

— Хотини ёмон-да. Бизни кўрса аждарҳони кўргандек сапчийди. Тағин...

— Биз эрини кўргани борамиз, оғайни, хотинини эмас. Келишдикми, соат олти яримда «Универсам» бекатида учрашамиз. Кутгил. Тағин «қуён» бўлма.

— Яна «Универсам»дами!

— Э, галварс! Ахир бемор кўргани бораяпмиз, бир-икки кило ширинлик олмаймизми! Қора кўзлари бор-а!!

Улар келишилган вақтда учра-

—3—

шишди. Магазинга кириб, «тузик»дан бир кило, «мишка»дан ярим кило олиб, тўр халтачага жойлаштиришди. Энди «Универсам»дан чиқиб, йўлкадан бир неча қадам юришган ҳам эдики, кўзлари ён томонда чўғдай ёниб турган ёзувга тушди: «Водка, вино...» Беҳосдан бир-бирларига қарашди. Сафар ўзини тутиб туролмади.

— Кел, оғайни, бир шиша ҳам олақолайлик. Бемор кўргани боряпмиз-у, ўзига ҳеч вақо олмабмиз. Олганимиз ҳам қора кўзларига. У умрида ширинлик еган йигитмас. Жинидан ҳам ёмон кўради.

— Тўғри, — унинг сўзини исботлади Тоҳир.

Зум ўтмай булоқнинг сувидай тиниқ ичимлик билан тўлғазилган, биқинига «столичная водка» де-

—4—

ган сўзлар ёзилган шиша ҳам тўрхалтадан жой олди.

Машъалнинг уйи ҳам шу орада эди. Уйига келишга келишди-ю, бешинчи қаватга чиқиш анча қийин бўлди. Дўстининг квартирасига етиб, бир нафасни ростлашгач, «Сен бос, сен бос» қилиб, охири қўнғироқ тугмасини Сафар босишга мажбур бўлди. Биринчи қўнғироқдан сўнг ичкаридан ҳеч қандай садо чиқмади. Бу гал қўнғироқ тугмасини бироз кўпроқ ушлаб туришди. Иккала кўз эшикка мўлтиллаб, хонадон эгасини кута бошлашди. Кўп ўтмай ичкаридан аёл кишининг ким деган овози эшитилди.

— Биз.

Иккаласи бараварига жавоб қайтаришди.

—5—

— Сиз кимсизлар!

— Гулсанам, биз, оғайнимизни кўргани келдик. — Сафарнинг овози негадир қалтираб чиқди.

Эшик очилди. Хонадон бекаси уларни илиқ қарши олди. Шу пайт ичкаридан қучоқ очиб Машъал ҳам чиқиб қолди.

— Келинглар оғайнилар, бормисанлар ўзи! Юз сўм бўлиб кетинглар-ей! Қанча бўлди ўзи кўришмаганимизга!

Улар қўл қовуштириб, сиполик билан меҳмонхонадаги дивандан жой олишди. Хонадон бекаси столни турли ширинликлар, мева-чевалар билан тўлдириб ташлади. Сўнгра ўзим кеча тайёрлаган эдим дея, икки банка шафтоли компотини ҳам келтириб қўйди. Уй-жой, бола-чақа, соғлиқ, иш жойдаги тартиб-интизомлар ҳақида суҳбатлашиб ўтиришди.

Машъалнинг хотини сўзга анча чечан бўлиб қолибдими, уларга гап ҳам тегмади. Чой устига чой қуйилаверди. Гурунг борган сари авжига чиқарди. Меҳмонларнинг эса кутган «нарса»сидан ҳамон дарак йўқ эди.

Уларнинг борган сайин ҳафсаласи пир бўла бошлади. Кайфиятлари бузилди. Меҳмонларга ҳеч нима ёқмай қолди. Уй эга-

—6—

лари қанчалик мулозамат кўрсатишмасин, кетишга чоғланишди. «Ўзимиз оғайнимизнинг бетоб бўлганлигини эшитиб, бир пасгагина кирган эдик», — дейишди.

— Дўстимизни одам десак, жуда паст экан-у, — деди Сафар кўчага чиққач жиғибийрон бўлиб.

— Қўлингдаги тўрхалта оғирроқ кўринади, қара-чи, анави қоғозга ўроғлиқ нарса нима экан!— сўради Сафар.

Тоҳир ўзи билан ўзи овора бўлиб, қўлига тутқазишган тўрхалтага эътибор ҳам бермаган экан.

— Э-э, ҳа-я!!

Тоҳир тўрхалтадан ўроғлиқ нарсани чиқариб, қоғозини «арча» бошлади.

— Ўзиям куёв-келинга берадиган қўғирчоқдай ўраб ташлашибди-я, — тўнғиллади у.

— Об-бо!

Тоҳирнинг қўлида ўзлари магазиндан олган арақни кўрган Сафар беҳосдан қичқириб юборди: «Боплабди, оғайни! Боплабди!»

Иккаласи меҳмондорчиликдан сувга тушган мушукдек сўппайиб қайтишди. Шу ёшга кириб, бунчалик мулзам бўлишмаган, ҳушёр бўлиб қайтишмаганди.

Жаббор РАЗЗОҚОВ.

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● САМОЛЁТДА... АНВОЙИ ГУЛЛАР

Ҳафтанинг ҳар сешанбасида Амстердамдан махсус рейс билан Америкага самолёт учади. Унинг салонига анвойи гуллар ортилган бўлади. Шунингдек, катта миқдордаги шундай гулларни денгиз транспорти орқали ҳам Америкага юборишади. Шуни айтиш керакки, ҳозирги пайтда жаҳон бозорига етказиб берилаётган учта гулдан иккитасини голландиялик боғбонлар етиштиришяпти. Мамлакатдаги усти берк гулхоналар 40 миллион квадрат метр майдонни ташкил этади. Бундан ташқари 30 миллион квадрат метр очиқ майдон ҳам гулларни ўтказишга ажратилган. Гулларни чет элларга экспорт қилишдан Голландия йилига 3 миллиард гульден миқдорида фойда кўряпти. Бинобарин бунга ҳамма жойда тан олинганидек лолаларни эмас, балки атир гулларни кўплаб миқдорда экспорт қилиш эвазига эришиляпти.

● КЎҲНА ПАРОВОЗ ҚУВОНЧИ

Бельгия пўлат излар магистрали ўзининг 150 йиллигини ғалати қилиб нишонлади. Брюссель мэри биноси олдида паровозларнинг виставкаси ташкил этилди. Жажжи темир йўлларнинг изларидан эски локомотивларнинг аниқ нусхадаги ва бир неча марта кичрайтилган нусхалари юриб ўтди. Бу виставка айниқса кичкинтойларга жуда ҳам манзур бўлди.

● БАҲОСИ ҚИММАТ ҚУРИЛМА

Газлама ва металл листларни бичиш санъати қандай қадрланиши ҳаммамизга азалдан маълум. Японияниннг «Мацусита» фирмаси автоматлашган лазер қурилмасини яратди. Бу қурилма икки минутда эркакларнинг костюм шими ва газламасини бичиб беришни таъминлайди, қалинлиги бир миллиметргача бўлган темир, пўлат ёки алюмин листларини минутига бир дециметр тезлик билан қирқа олади. Лекин бу қурилманинг баҳоси жуда ҳам қиммат туради.

● ЭСКИЛАРИ ЎРНИГА...

Лондонда биринчи бор 1936 йили пайдо бўлган телефон будкалари бир неча ўн йиллардан бери ўз формаларини ўзгартирмай келаётган полициячининг шлеми ва такси сингари Англия пойтахтининг кўзга ташланиб турадиган белгиларидан бўлиб қолди. Энди замондан ортда қолган бу эски пўлат будкаларни алюмин ва мустаҳкам шишадан ишланган енгил конструкцияли будкалар билан алмаштиришга қарор қилинди. Бунинг бош сабабларидан бири шундаки, эски телефон-автоматлар безорилик қиладиган жой бўлиб қолмоқда. Масалан, биргина Ливерпулнинг ўзида ҳар бир будкани йилига ўртача ҳисоблаганда 16 марта бузиб кетишади.

● ҲАРАКАТ ҚОИДАСИНИ БУЗГАНЛАР УЧУН

Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун ҳукм қилинган япон ҳайдовчиларининг учдан бир қисми жазо муддатини бундан буён Итихарадаги ихтисослаштирилган қамоқда ўтказади. Бу ерда улар вақтларини йўлларда ўзларини қандай тутишлари кераклиги тўғрисидаги низомларни ўрганишга сарфлашлари керак. Қоидабузарларнинг учдан икки қисми қамоққа инсоннинг ҳалок бўлиши билан тугаган автомобиль фалокатининг айбдорлари сифатида, ўттиз проценти эса автотранспортни маст ҳолда бошқарганлиги учун тушганлар. Уларнинг қолганларини эса ҳаракат тезлигини тўрт марта оширганлар ташкил этади. Японияда чиқадиган газеталарнинг таъкидлашича, бундай қаттиқ чора-тадбирларни қўллаш тамомила ўринлидир: чунки ўтган йилнинг ўзидагина мамлакатда 500 мингта автомобиль фалокатлари юз берди, бунинг оқибатида 9,262 киши ҳаётдан кўз юмди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЭҲМ назорат қилади

СОФИЯ. Бургас шаҳридаги электр кабель ишлаб чиқарувчи завод Болгариядаги намунали корхоналардан бири сифатида маълум бўлиб, унинг коллективи фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг кўламда жорий этмоқда. Илгари заводни реконструкция қилишга катта капитал маблағлар зарур бўларди, бу сафар бургаслик ишчилар ва инженерларнинг муваффақиятлари маҳсулот сифатини самарали назорат этиб туриш системасини яратган мутахассислар группасининг фаолияти билан боғланган.

БХР электр техника саноатида ва бошқа саноат тармоқларида ишлатилаётган ҳар хил турдаги ва профилдаги ностандарт кабеллар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Конструкторлар сифати паст маҳсулот чиқиш йўлига компьютер техникасининг ёрдами билан қисқа муддат ичида ғов солиш мажбуриятини олдилар. Корхона фондларидан молиявий маблағлар ва техника ажратилди.

Натижада ўтган ярим йил ичида барча технологик операцияларни, шу жумладан тайёр маҳсулот сифатини назорат этиш системаси яратилди. Белгиланган нормадан заррача четланиш бўлса ЭҲМ ишлаб чиқариш жараёнида ҳар хил нуқсонлар тўғрисида хабар қилади. Компьютер бир ой ва бир йил ичида хом ашё, материал ва энергия тежалишини ҳам ҳисобга олиб боради, умуман ишлаб чиқаришни анализ қилиб, унинг ҳолати тўғрисида бир неча дақиқа ичида маълумот беради. Ҳозир заводнинг барча маҳсулоти жаҳондаги энг яхши намуналарга мувофиқ келмоқда.

ПУЛ ДАРЁДАЙ ОҚИБ ТУРГАЧ...

ВАШИНГТОН. Преторияга кенг миқёсда ҳарбий-сиёсий ёрдам берибгина қолмай, уни иқтисодий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаётган Вашингтон Жанубий Африка республикасида ирқчи режим сақланиб қолаётгани учун асосий айбдордир.

Давлат департаменти камайтириб кўрсатаётган расмий маълумотларга қараганда ҳам, АҚШ Претория режимининг етакчи савдо шериги бўлиб қолмоқда. Ўтган йилнинг ўзида Жанубий Африка республикаси Қўшма Штатларга 1,5 миллиард доллар миқдорида моллар экспорт қилган. Айни пайтда АҚШдан 2,4 миллиард долларлик маҳсулот келтирилган. Импорт маҳсулотлари орасида Претория ўзининг ядро потенциалини вужудга келтиришда, шунингдек жазо-полиция аппаратини мустаҳкамлашда фойдаланаётган компьютер ва бошқа замонавий техника воситалари бор. Ўз навбатида Америка савдо министрлигининг маълумотига кўра, Жанубий Африкадаги олтин тангалар экспортининг ярми Қўшма Штатларга олиб келинган.

Рейган маъмурияти ирқчи тўда билан «конструктив ҳамкорлик» деб аталмиш шармандали сиёсатни амалга ошира бориб, Жанубий Африка Республикаси экономикасига Америка капитал маблағлари оқиб бориши учун кенг йўл очиб қўйди. Бу эса инсониятга қарши режимни қўллаб-қувватлаш билан тенгдир. «Вашингтон пост» газетасининг маълумотига кўра, Жанубий Африка Республикасида ташқи инвестициянинг бешдан бир қисми АҚШ ҳиссасига тўғри келади. Унинг ҳажми 1966 йилдаги 490 миллион доллардан 1983 йилга келиб 9,3 миллиард долларга етди.

Фотокалейдоскоп

Германия Федератив Республикаси мутахассислари яратган электрон термометр 60 секунд ичида инсон танасининг ҳароратини аниқлаб беради. Мюнхен шаҳрида ўтказилган кўргазмада янги термометр медиклар томонидан юқори баҳоланди.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

М. Қорнёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

14, 15, 16, 18, 19 АВГУСТ СОАТ 20.00 ДА

Андижон область Давлат филармониясининг солисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, лирик хонанда

Шерали ЖЎРАЕВ

ВА

«ШОДЛИК» АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ РАҚҚОСА ҚИЗЛАР ГРУППАСИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан сотилмоқда.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

1985-1986 ўқув йили учун

КЕЧКИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли камида бир йил узлуксиз иш стажига эга бўлган илғор ишчилар, колхозчилар, СССР Қуролли Кучлари сафидан запасга бўшатилганлар саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари, колхозлар, совхозлар ва ҳарбий қисмнинг йўлланмаси бўйича қабул қилинади.

Икки йиллик иш стажига эга бўлган кичик медицина ҳамшираларн ва санитаркалар даволаш ва санитария-профилактика, аптека, суд-медицина экспертизаси муассасаларининг йўлланмалари билан қабул қилинадилар. Шунингдек, бир йиллик узлуксиз иш стажига эга бўлган кичик медицина ходимлари ва санитаркалар ўқиш давомида йўлланма берган муассасада ишлашни давом эттиришлари шарти билан кечки бўлимга қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: институт ректори номига ёзилган ариза, йўлланма, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхаси), иш ёки ўқиш жойидан характеристика, соғлиғи ҳақида справка (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (корхона раҳбари томонидан тасдиқланган).

Ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги гувоҳнома ва паспорт шахсан кўрсатилади.

Аризалар 20 августдан 15 сентябргача қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар, улар билан ўтказиладиган суҳбат натижаларига асосланган ҳолда ректор буйруғи билан қабул қилинадилар.

Машғулотлар — 1 октябрдан бошланади, ўқиш муддати — 10 ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Медиклар шаҳарчаси, 10-корпус (10, 28, 34, 82, 100-автобуслар; 15-трамвайнинг охирги бекати).

«УЗТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ»— ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗИНИНГ САХИЙ ЕРИДА МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШИ БИЛАН АЗАЛДАН МАШҲУР. ЖИЗЗАХ, СИРДАРЁ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ МЕҲНАТКАШЛАРИ ЎЗ ТОМОРҚАЛАРИДА МЕВА-САБЗАВОТЛАР, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИНИ ОММАВИЙ ЙИҒИБ ОЛИШНИ БОШЛАШДИ.

Қишлоқ меҳнаткашларининг томорқаларида етиштирилган мева-сабзавотлар ва полиз экинлари шаҳарликлар дастурхонига тезда етказиб берилиши учун қишлоқ меҳнаткашлари фақатгина ҳосилни йиғиб олишга улгурибгина қолмай балки уларни шаҳар бозорларига ўз вақтида олиб боришни ҳам яхши йўлга қўйишлари лозим.

«Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг

«УЗТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» БОШҚАРМАСИ

ЖИЗЗАХ, СИРДАРЁ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА ЕТИШТИРИЛГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БОЗОРЛАРГА ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ЙИРИК САНОАТ ШАҲАРЛАРИ (Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ ва бошқа шаҳарларга) БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА ТАШИБ БЕРИШ УЧУН

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТДИ

Буюртмани телефон орқали ҳам расмийлаштириш мумкин:

Жиззах область транспорт экспедиция бошқармаси — 2-30-46.

Сирдарё область транспорт экспедиция бошқармаси — 2-46-58.

Тошкент область транспорт экспедиция бошқармаси — 46-78-07.

Хизмат ҳақи 13-03-04 —1983 прейскурантига биноан олинади.

7 тоннагача юк ташиш қувватига эга бўлган автомашинада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиб бериш учун ҳар бир километрига 30 тийиндан;

7 тоннадан ортиқ юк қувватига эга бўлган автомашинада мева сабзавотларни ташиб бериш учун ҳар бир километрига 50 тийиндан ҳақ олинади.

Автомашинанинг бир соат туриб қолиши учун 3 сўм ҳақ тўланади.

ҲУРМАТЛИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИ!

«Узтрансэкспедиция» хизматларидан фойдаланинг!

«Узтрансэкспедиция» бошқармасининг реклама ва ахборот агентлиги.

РЕСТОРАНДА ҚЎШИҚЛАР АВЖИГА ЧИҚАДИ

ШАҲРИМИЗ РЕСТОРАНЛАРИ

машҳур вокал-чолғу асбоблари ансамбллари ижросида

ЗАМОНАВИЙ ҚЎШИҚЛАРНИ ТИНГЛАШГА ЧОРЛАЙДИ.

ЖУМА, ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ ОҚШОМ ЧОҒИДА

«ЗАРАФШОН» ресторанида
«НАВО» ансамбли,

«ШОДЛИК» ресторанида
«САДО» ансамбли,

«ТОШКЕНТ» ресторанида
«ШОДЛИК» ва «БАҲОР» кичик ансамбллари

«ЧИЛОНЗОР» ресторанида

ЖИЗЗАХ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

ЎЗ МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ҚИЛАДИЛАР

Ресторанларда оқшом чоғида маданий ҳордиқ чиқариш завқли бўлади — официантлар малакали хизмат кўрсатишади, яхна ва қайноқ таомларнинг ранг-баранг намуналари тортиқ қилинади, яхна ичимликлар, шарбатлар, хушхўр мевалар, кондитерлик неъматлари ва музқаймоқ дам олиш дастурхонингизни безайди.

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ (телефон 55-74-61).

ҲАММАСИ БОЛАЛАРГА АТАЛГАН

14-18 АВГУСТ КУНЛАРИ

ОХУНБОБОЕВ МАЙДОНИДАГИ 2-МАГАЗИНДА

ЎТКАЗИЛАДИГАН

САВДО-КЎРГАЗМАСИДА

Сиз болалар учун аталган керакли либосларни сотиб олишингиз мумкин.

Савдо-кўргазмасида Самарқанд, Янгийўл, Чирчиқ пойафзал фабрикалари, Андижон, Жиззах трикотаж фабрикалари, Тошкент тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чирчиқ тикув фабрикасида тайёрланган янги молларни сотиб олиш тавсия этилади.

Маълумотлар учун телефонлар:

42-28-60 — 2-магазин;

42-26-05 — харидор талабини ўрганиш бўлими.

«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИ.

САРАТОН ЖАЗИРАМАСИДАГИ «СНЕЖОК»

БУ САРАТОН ЖАЗИРАМАСИДА РОҲАТ ҚИЛАДИГАН МУЪЖАЗГИНА ОРОМ МАСКАНИ БЎЛИБ, УНДА САЛҚИН МЕВА ИЧИМЛИКЛАРИ, ПЕПСИ-КОЛА, ЛИМОНАД, МЕВА ҚИЕМИ ВА ЕНГОҚ СОЛИНГАН ЛАЗЗАТЛИ МУЗҚАЙМОҚ СОТИЛАДИГАН ЖОЙДИР.

«СНЕЖОК» КАФЕ-МУЗҚАЙМОҚ ХОНАСИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ХИЁБОНИДА ЖОЙЛАШГАН.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27)

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ

1985-1986 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ҚУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

АГРОМЕТЕОРОЛОГИЯ, ҚУРУҚЛИК ГИДРОЛОГИЯСИ, ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИК РАДИОЛОКАЦИЯ ҚУРИЛМАЛАРИ, МЕТЕОРОЛОГИЯ.

Кундузги бўлимга 30 ёшгача бўлганлар, сиртқи бўлимга ёши чекланмаган ҳолда қабул ўтказилади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар. Ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади, гидрометеорологик радиолокация қурилмалари ихтисоси бўйича ўқийдиганларга 45 сўмдан стипендия тўланади.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

ҚАБУЛ ҚОИДАЛАРИ ҲАММА ТЕХНИКУМЛАР УЧУН УМУМИЙДИР.

Ўрта мактабни «тўрт» ва «беш» баҳолар билан битирганлар агрометеорология ва қуруқлик гидрологияси ихтисослкларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

ҲУЖЖАТЛАР 31 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700019, Тошкент шаҳри, З. Қобулов кўчаси, 45-уй (Собир Раҳимов кинотеатри ёнида).

театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/VIII да **Юлдузли тунлар**, 14/VIII да **Зебуннисо**.

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Катта цирк томошалари **«Африка шерлари аттракциони** (19.30).

кино

13 АВГУСТДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИ»— **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Фестиваль** (21.45, телефон 32-78-02), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Тинчлик** (тоқ соатларда).

«ОЛТИН ТОҒ СИРИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«ҚИШДАГИ ОҚҚУШ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Хива** (21.45).

«ҚОНУНИЙ НИКОҲ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02)

«ОЛИСДАГИ ЧИРОҚЛАР» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59),

«ҲУР ҚИЗЛАР» — **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«КОЗЕРОГ—1» — **Қозоғистон** (17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92).

14 АВГУСТДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Фестиваль** (21.45, телефон 32-78-02), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ОЛТИН ТОҒ СИРИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ОЛИСДАГИ ЧИРОҚЛАР» — **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда, телефон 48-46-71), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«СЕНИНГ ОСУДА ОСМОНИНГ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 58-36-06).

«КАМОННИНГ ҚОРА ЎҚИ» — **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«КОЗЕРОГ—1» — **Қозоғистон** (11, 12, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92).

«ҚИШДАГИ ОҚҚУШ» — **Хива** (21.45).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

14 АВГУСТ СОАТ 19.30 ДА

СССР КУБОГИ УЧУН

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ТОРПЕДО» (Москва)

КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ФУТБОЛ

Ўйиндан олдин бадиий ҳаваскорлик тўгараги иштирокчиларининг концерти кўрсатилади.

Тошкент шаҳар 127-ўрта ҳунар-техника билим юрти томонидан **Ирисова Умида Насруллаевна** номига берилган 483669 номерли йўқолган ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўрта Осиё медицина педнатрия институти коллективи нейрохирургия курсининг мудири, доцент А. Мирсодиқовга отаси

Содиқ ОРТИҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Октябрь район ошхоналар трести маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари база мудири М. Одиловга рафиқаси

Шаҳодат ШОКИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Киров район Давлат страхованиеси инспекциясига берилган 285-форма КХ сериядаги 856833-856850 номерли ва 203 форма Ю серия 699478 номерли квитанцияларининг йўқолган

ТОЗА БЛАНКАЛАРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—12471. **Индекс 64690.** А-2195 **1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.**

ТВ

сешанба

13 АВГУСТ

● МТ I

17.50 «Билимимиз— қудратимиз».
18.35 А. Скрябин ва С. Рахманиновларнинг фортепьяно асарлари.
18.55 Алкоголизмнинг зарари ҳақида илмий-оммабоп фильмлар: «Улфатчилик оқибати», «Жарликка олиб борадиган йўл».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Кимнинг кўчасида байрам?»
20.20 Ф. Шуберт. Вальслар.
20.30 «Мен кўлмакдан сакраб ўтишни биламан». Тўққиз серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Австралия). 1-серия.
21.30 «Время».

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

13 АВГУСТ, 1985 й.

22.05 «Балет ҳақида».
23.15 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Қирувчилар». Бадиий фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР кубоги. 1/16 финал. «Динамо» (Киев) — АСК (Ростов-Дон).

● ЎзТВ I

18.15 Янгиликлар.
18.30 «Тенгдошларинг ижодидан».
19.05 «Сеҳрли най». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Телетомошабин билан юзма-юз». Телетомошабинларнинг саволларига ЎзССР Социал таъминоти министри Ҳ. Ё. Ёқубжонова жавоб беради.
20.30 «Ахборот».
20.50 Янгийўл районидаги Халқобод посёлкаси «Арзу» ҳаваскорлик ансамблининг концерти.
21.20 «Катта пойгалар». Телефильм.
21.30 Москва «Время».
22.05 «Машина теримига ҳамма нарса тахтми?»
22.25 Узбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсиннинг ижодий кечаси.
23.40 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Нелли Саладзе». Телефильм.
18.25 «Трест» операцияси». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).
19.50 «Волгадаги елканлар». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Ёшлик» студиясининг почтаси».
21.00 «Архитекторлар». Телефильм.

чоршанба

14 АВГУСТ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ўсмирлар ижоди».
10.05 «Саёҳатчилар клуби».
11.05 А. Глазунов асарлари.
11.45 «Мен кўлмакдан сакраб ўтишни биламан». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
12.35 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Ҳужжатли фильмлар.
16.50 «М. Е. Салтиков-Шчедрин театри». 2-кўрсатув.
17.25 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади.
18.25 А. Циммерман. Чембало ва камер оркестри ижроси учун концерт.
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Корея Халқ Демократик Республикаси ёшлар ансамблининг концерти.
20.00 «Шу куннинг почтаси». Телетомошабинларнинг хатларини сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов шарҳлайди.
20.30 «Соя—ажойиб ўсимлик».
20.40 «Мен кўлмакдан сакраб ўтишни биламан». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Адабиёт ҳақида суҳбатлар».
22.50 «Дунё воқеалари».
23.05 «Сябри» вокал чолғу ансамбли ижро этади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Ғаллани ҳимоя қилиб». Ҳужжатли фильм.
9.25 «Қирувчилар». Бадиий фильм.
11.00 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
11.30 «Горнчилар, қаердасиз!»
12.00 Духовой оркестр чалади.
12.20 О. Берггольц поэзияси.
13.00 «Қора денгиз тўлқинлари». Телевизион бадиий фильм. 6-серия.
14.15 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
14.45 РОСТОВ-ДОН ШАҲАР ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
15.40 Москва халқаро Тинчлик марафони.
16.00 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ҳисор қўриқхонаси». Телефильм (Тошкент).
19.00 «Музикали киоск».
19.30 «Маданият ва истироҳат боғида бир кун». Бадиий фильм (ҲХДР).
20.20 «Суриков ҳузурида Пенза-да». Телефильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Сизга манзур адабиётлар».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР кубоги. 1/16 финал. «Спартак» — МАСК.

● ЎзТВ I

7.25 Кўрсатувлар программаси.
7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Рябово». Телефильм.
8.00 «Куз келганда». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
8.30 «Ахборот».
8.50 Болалар учун. «Санъат ғунчалари» (такрорий).
9.20 «Ганг дарёси устида қуёш». Бадиий фильм. 1-серия.
18.10 Янгиликлар.
18.20 «Шоирлар—болаларга». О. Абдурахмонов, Н. Абдусаломов, Ф. Усмон, Д. Шокиров.
18.45 «Енгил саноатда техника тараққиёти».
19.15 «Ахборот» (рус.).
19.30 Футбол бўйича СССР кубоги «Пахтакор»—«Торпедо» (Москва). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот».
21.15 «Менинг республикам». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Саҳна санъати усталари». СССР халқ артисти А. Ҳидоятов туғилган кунининг 85 йиллигига.
23.05 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.05 МТ II
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Витим қирғоқлари». Телефильм.
18.25 «Трест» операцияси». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Камер куйлари кечаси».
21.00 «Шаҳарликлар дастурхонига».
21.30 МТ II